Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat

№ 42 (1508) 2024-YIL 18-OKTABR, JUMA

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASI VA MAHALLIY KENGASHLAR DEPUTATLARI SAYLOVIGA

8

KUN QOLDI



SAYLOV 2024

27-OKTABR

MENING TANLOVIM — OBOD VATANIM!

Сайлов – халқнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки ва овози билан юрт келажагини белгилайдиган асосий жараёнлардан бири ҳисобланади. Соддароқ айтганда, бу фақат сиёсий тадбир эмас, балки мамлакат тараққиёти йўлидаги муҳим қадамдир.

Соғлом ҳаёт ва ижтимоий фаровонлик учун курашамиз!

2-3

Партия етакчиси Робахон Махмудова Жиззах, Хоразм ҳамда Фарғона вилоятларида сайловчилар билан учрашди









Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова фарғоналик электорат вакиллари билан учрашиш, 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури мазмун-моҳиятини етказиш ва сайловчилар билан яқиндан мулоқот қилиш мақсадида Фарғона вилоятига борди.

Хизмат сафари мобайнида партия етакчиси Ўзбекистон Қаҳрамони Лола Муротова номидаги касб-ҳунар мактаби, вилоятдаги "Нуронийлар" маскани, Фарғона давлат университети фаолияти билан танишиб, олийгоҳда суд-ҳуқуқ соҳаси вакиллари билан учрашув ўтказди.

Шунингдек, аҳоли хонадонларида бўлиб, "Адолат" СДП Фарғона вилоят кенгаши томонидан ташкил қилинган тарғибот-ташвиқот тадбирларида иштирок этди.

Робахон Махмудова эко-шаҳарчада жойлашган Ўзбекистон Қаҳрамони Лола Муротова номидаги касб-ҳунар мактаби фаолияти ҳамда Л.Муротованинг нурли ҳаётига бағишланган музей билан танишди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, “Эл-юрт ҳурмати” ва “Фидокорона хизматлари учун” орденлари соҳибаси бўлган Лола Муротова бутун умрини қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига бағишлаб, катта муваффақият ва ҳурмат қозонган фидойи инсон эди.

Бугун Лола Муротованинг бой тажрибаларини ёшларга етказиш, қишлоқ хўжалигида ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш мақсадида ташкил этилган мазкур мактабда 480 нафар ёшлар таълим олмоқда. Ўқув масканида 30 дан ортиқ аудитория, 7 та лаборатория, компьютер хоналари, фаоллар зали ва музей мавжуд.

Шунингдек, 150 ўринли турар жой, спорт зали, мини-футбол майдончаси, устахона, иссиқхона ва машғулотлар учун автодром ўқувчилар ихтиёрида.

Робахон Махмудова Ўзбекистон Қаҳрамони Лола Муротова номидаги касб-ҳунар мактаби педагоглар жамоаси билан суҳбат давомида партиянинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инновацион тажриба ва усуллардан фойдаланиш, соҳада ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этиш, фан ва амалиётнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш орқали Ўзбекистоннинг аграр соҳадаги улкан имкониятларини рўёбга чиқаришда, камбағаллик муаммоларини ҳал этишда ижобий натижалар беришга йўналтирилган қатор таклифлар илгари сурилаётгани ҳақида сўз юритди.

Юзма-юз мулоқотда педагоглар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлигига номзодларнинг Сайловолди дастурида илгари сурилган халқчил ташаббуслар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Партия раҳбарининг Фарғона вилоятига хизмат сафари давом этмоқда...



Соғлом ҳаёт ва ижтимоий фаровонлик учун курашамиз!

1

Мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаши ҳар биримиз учун аҳамиятли эканини инобатга олсак, жорий сайловлар ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар учун ўз келажагини шакллантиришда янги имкониятларни тақдим этади.

27 октябрь куни бўлиб ўтадиган сайлов бу борадаги янги сиёсий босқични бошлаб беради. Ҳар бир овоз – бу халқнинг фикри, уларнинг талабларига асосланган амалий қадамлар учун асос бўлади. Шундан келиб чиқиб, “Адолат” социал-демократик партияси бу жараёнда фаол иштирок этиш, пировардида, сайловчилар ишончини қозониб, буни келгуси беш йилликда амалий ечимлар билан оқлашга жиддий ҳозирланмоқда.

Шу мақсадда партия етакчиси Робахон Махмудова раҳбарлигида партия тизимидаги тузилмалар вакиллари, фаоллар, депутатликка номзодлар жойларда аҳоли билан мунтазам мулоқотлар ўтказяпти. Ҳар бир учрашувда партиянинг олий таълим, соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ, оила ва хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мақомини мустаҳкамлаш бўйича жиддий таклифлар муҳокама қилинаётгани ва бу жараёнлар халқнинг эҳтиёжларига тўғридан-тўғри жавоб бериши кўп бора таъкидланаётгани эътирофга сазовор.

Робахон Махмудова жорий сайлов кампаниясида аҳоли манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, шунингдек, партиянинг янги Сайловолди дастури мазмун-моҳиятини сайловчиларга халқчил тилда тушунтириш ва электорат вакиллари билан яқиндан мулоқот қилиш учун Жиззах вилояти Пахтакор туманига борди.

Даставвал партия етакчиси тумандаги “Пахтакор” МФЙ гузарида бўлиб, маҳалла идораси ходимлари, фаоллари, нуронийлар билан учрашди.

Ўзаро самимий руҳда кечган мулоқотларда маҳалла вакиллари сўнгги йилларда юртимизда маҳалла институтини ривожлантириш, ҳудудлар ижтимоий инфратузилмасини янги замон талаблари асосида мустаҳкамлаш, маҳалла идораси одамлар муаммоларини ҳал этиш, уларнинг фикрларини эшитиш ва давлат ҳаётидаги иштирокини белгилашда бирламчи бўғин сифатида шаклланаётганини қайд этишди.

Шунингдек, бу жараёнда аҳоли муаммоларини тизимли ҳал қилишда депутатларнинг фаоллиги анча жонлангани, халқимиз сиёсий партияларнинг жорий сайлов кампаниясида олиб бораётган ҳаракатларини кузатиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, фуқаролар, айниқса, кекса авлод вакиллари “Адолат” СДПнинг янги Сайловолди дастурида бу йўналишларда нималар акс этгани билан қизиқиб, партиямиз етакчисига мурожаат қилди.



Робахон Махмудова пахтакорларнинг жорий муҳим сиёсий тадбирга бефарқ эмаслиги, депутатликка муносиб номзодларни танлаб олишга жиддий эътибор бераётганидан мамнунлигини билдирди ҳамда кекса авлод ҳақида қайғуриш партиянинг доимий диққат-эътиборида бўлишини маълум қилди.

– Бу борада кексаларга мўлжалланган турли-туман тадбирларни ўз ичига олувчи алоҳида комплекс соғломлаштириш дастури ишлаб чиқиш, айниқса, қариялар билан ишлайдиган шифокор-геронтологлар тайёрлашни йўлга қўйиш, шифохоналар ва поликлиникаларда қариялар билан ишловчи шифокор-геронтолог штатини жорий этишга алоҳида эътибор қаратамиз, – деди Сиёсий Кенгаш раиси.

Шундан сўнг Робахон Махмудова маҳалла гузарида ташкил этилган тикув цехи фаолияти билан танишди.

Қайд этиш жоизки, цех маҳаллий тадбиркор Гулчирой Қаршиева томонидан 2020 йилда ташкил этилган бўлиб, 20 нафар ишсиз хотин-қизнинг доимий бандлиги таъминланган. Бундан ташқари, тадбиркор буюртмаси асосида 6 нафар хотин-қиз ўз уйида касаначилик билан шуғулланиб келади. Цехда асосан аёллар ва ёш болалар кийимлари, ишчи-ходимлар формалари, мавсумий кийимлар тикилади. Бу ерда фаолият юритаётган ишчилар маоши эса ўртача 3,5 миллион сўмни ташкил этади.

Танишув жараёнида **Гулчирой Қаршиева** Сиёсий Кенгаш раисига ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлашида “Адолат” СДП фаоли, туман ҳокими ўринбосари Дилбар Шоназарова маҳалла идорасининг бўш турган ерини ҳамда банкдан 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит олишда яқиндан ёрдам берганини айтиб, миннатдорлик билдирди. Шунингдек, партиянинг хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича илгари сурган таклифлари сабаб ўзи каби ишсиз, мигрант аёллар ўз оиласига даромад олиб кираётганини таъкидлади.

Робахон Махмудова маҳаллий тадбиркорга фаолият турини кенгайтириш, маҳсулотларини нафақат ички бозор, балки экспортга ҳам йўналтириш борасидаги режаларини қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда кўмаклашишга тайёрлигини маълум қилди.

Сиёсий Кенгаш раиси цех фаолияти билан танишгандан сўнг туман молия бўлими ҳудудида жойлашган “Адолат” СДП тарғибот-ташвиқот пункти ишини ўрганди. Ўрганиш давомида партиянинг ҳудуддаги танилувчанлиги, партия фаолиятидан хабардорлик даражасини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар, бунинг маҳаллий аҳоли ҳаётига, ижтимоий ва сиёсий фаолиятига таъсири масаласига алоҳида эътибор қаратди. Боиси ушбу пункт маҳаллий аҳолининг муаммоларини аниқлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва аҳолининг сиёсий жараёнлардаги иштирокига кўмаклашишда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Робахон Махмудова партиянинг янги Сайловолди дастури фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари, соғлиқни сақлаш, таълим, иқтисодий ривожланиш, экологик муҳофаза ва ижтимоий адолат каби муҳим масалаларни қамраб олганига урғу бериб, аҳолини “Адолат” СДПга овоз беришга чақириш учун жараёнларни юқори савияда ўтказиш, партия мақсадларини халқчил тилда тушунтириб бериш зарурлигини таъкидлади.

Шундан сўнг партия етакчиси туман молия бўлими фаоллар залида “Адолат” СДП Жиззах вилоят Кенгаши масъуллари, депутатликка кўрсатилган номзодлар, партия ва маҳалла фаоллари, ОАВ вакиллари билан учрашди. Учрашувни “Адолат” СДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Ориф Шукуров кириш сўзи билан очиб, вилоят кенгаши томонидан сайлов кампанияси даврида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, пунктлар фаолияти, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари юзасидан маълумот берди.

Жумладан, сайловчиларни “Адолат” СДП номзодлари, партиянинг асосий ғоя ва таклифлари, 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури билан таништириш бўйича ўтказилаётган тадбирлар изчилликда давом этаётганини қайд этди.

Шундан сўнг Сиёсий Кенгаш раиси Робахон Махмудова “Адолат” СДПнинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган янги Сайловолди дастури мазмун-моҳияти, хусусан, аҳоли фаровонлиги, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш бўйича билдирилган таклифлар юзасидан сўз юритди.

– Партиямиз келгуси беш йилликда бошқа йўналишлар қатори хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шароитларни янада кенгайтиришга ҳам устувор аҳамият қаратади. Албатта, бунда биз уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш ҳамда оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатни олиб боришимизни алоҳида таъкидлашни истардим, – деди Робахон Махмудова.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, "Адолат" СДПнинг юқоридаги мақсад ва режалари асосида янги Сайловолди дастурда муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлган, узоқ вақтдан буён ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш учун самарали ва халқчил таклифлар ўрин олган.

Масалан, хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, айниқса, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш чораларини кучайтириш, зўравонликнинг турли кўринишларига учраган аёлларга ҳуқуқий кўмак кўрсатиш бўйича махсус электрон платформа яратиш, туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёлларга ҳамда болаларга давлат томонидан бепул бериладиган витаминлар, йод ва фолий кислотасининг ўз вақтида ва тўлиқ ажратилишини таъминлаш устидан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш шулар жумласидандир.

Сиёсий Кенгаш раиси мазкур таклифларни партия келгуси беш йилликда амалиётда жорий этиш бўйича ижтимоий адолатни таъминлаш, аёлларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва оиладаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этишни ўз олдига мақсад қилганини қайд этди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг ижтимоий сиёсатини янада кучайтириш, аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг аҳволини яхшилашга интилиши ҳамда шу орқали юртимиздаги ҳар бир аёл ва боланинг соғлом ҳаёт кечириши ва муаммоларни аниқлашда фаол иштирок этишини таъминлаш эканини алоҳида таъкидлади.

Учрашув давомида сайловчиларга вилоят кенгаши томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига кўрсатилган номзодлар Сайловолди дастурлари таништирилди.

Хусусан, **17-Жиззах сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Махсуда Қаршибоева** сўзга чиқиб, йиғилганларга ўз Сайловолди дастурида акс этган муҳим таклифлар юзасидан маълумот берди. Қайд этилганидек, унда асосий эътибор тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, бу соҳада кадрлар тайёрлашнинг самарали тизимини шакллантириш ҳамда ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва уларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган.

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашига номзод Дилбар Ҳакимова келгуси беш йиллик фаолиятида таълим соҳасини янада такомиллаштириш, талаба-ёшларнинг ўқиш даврида ўз мутахассислигидан келиб чиқиб амалиёт ўташлари ва муносиб иш билан таъминланиши мақсадида партия илгари сураётган "Кафолатланган биринчи иш жойи" лойиҳасини вилоятда амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Якунда учрашув иштирокчилари партиянинг янги Сайловолди дастурида эътиборини тортган айрим жиҳатлар, таклифлар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати

3

САЙЛОВЛАРНИ ЎТКАЗИШДА ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловини ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.









Шуни инобатга олган ҳолда, Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида сайловларни ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, сайлов округлари ва участкалари ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, сайлов комиссиялари жойлашган биноларни узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш чора-тадбирлари ва бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Шу муносабат билан, мажлисда Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Энергетика вазирлиги раҳбарлари томонидан сайловларга тайёргарлик кўриш даврида амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборотлар тақдим этилди.

Хусусан, хавфсизлик ва тартибни сақлаш мақсадида мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан сайлов участкалари бинолари атрофига қўшимча 332 та видеокузатув камералари, 528 та бинога ёритиш мосламалари ўрнатилди.

Шунингдек, барча биноларга олиб борадиган йўллар кўрикдан ўтказилиб, қўшимча равишда йўл белгилари, йўл ётиқизиқлари, светофорлар билан таъминланиб, 270 та бино атрофида автотураргоҳлар ташкил қилинди.

Бундан ташқари, мажлисда барча сайлов участкаларининг ёнғинга қарши ҳолати текширувдан ўтказилиб, 450 тасида профилактик кўрик уюштирилганлиги ҳамда қўшимча равишда 664 та бино ёнғинни ўчириш бирламчи воситалари билан таъминланганлиги хусусида маълумот берилди.

Шу билан бир қаторда, Энергетика вазирлиги томонидан сайлов куни комиссияларнинг биноларини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш чоралари кўрилганлиги маълум қилинди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Марказий сайлов комиссияси томонидан бўлажак сайловларни ўтказиш даврида жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу билан бирга, кун тартибига мувофиқ хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг 108 нафар вакиллари халқаро кузатувчи сифатида аккредитациядан ўтказилди ҳамда бошқа масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати

O‘zbekiston “Adolat” sotsial-demokratik partiyasi va uning nomzodlariga ovoz bering!











Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова турли ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда. Уларда ижтимоий-иқтисодий соҳалар, хусусан, олий таълим, соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ тизими ва оила масалалари бўйича янги Сайловолди дастурида илгари сурилган таклиф-ташаббуслар ҳақида маълумот бериляпти. Эътиборли жиҳат шундаки, таклифлар фақат назарий фикрлар билан чекланмай, балки уларнинг амалиётга татбиқ этилиши ва халқнинг реал эҳтиёжларига жавоб бериши таъминланмоқда.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида Робахон Махмудованинг хоразмлик тиббиёт соҳаси вакиллари билан бўлиб ўтган учрашуви ҳам сайловчиларга “Адолат” СДПнинг асосий ғоя ва таклифлари юзасидан кенгроқ маълумот бериш, партиянинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!” деб номланган Сайловолди дастурини халқчил тилда етказиш орқали уларнинг партияга бўлган ишончини оширишга хизмат қилди.

Сиёсий Кенгаш раиси дастлаб Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида партиянинг вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган “Адолат” СДП тарғибот-ташвиқот пункти фаолиятини ўрганди. Қайд этиш жоизки, пунктда олийгоҳ талаба-ёшларига мамлакатимиз сайлов қонунчилигида янгича амалиёт – аралаш сайлов тизими асосида ташкил этилаётган сайлов тизими, сайлов кампаниясида сиёсий партиялар томонидан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, ОАВларда қизғин рақобат муҳитида ўтаётган теледебат жараёнлари ҳақида муҳим сиёсий билимлар улашиляпти.

Шу билан бир қаторда сиёсий майдонда ўзининг халқчил ва мустаҳкам ўрнига эга бўлган “Адолат” СДП ғоя ва мақсадлари, амалга оширган лойиҳа ва дастурлари, жорий сайловларда муваффақиятли иштирок этиш учун ўтказаётган сайлов кампаниясидаги муҳим тадбир ва лойиҳалари хусусида маълумот берилмоқда. Энг муҳими, 2025-2029 йилларга мўлжалланган янги Сайловолди дастурида илгари сурилган таклиф-ташаббуслар, соғлиқни сақлаш ва олий таълим соҳасига оид муҳим масалалар ҳам фаол тарғиб қилиняпти.

Партия етакчиси бу каби пунктлар фаолиятини вилоятдаги барча ОТМларда йўлга қўйиш, сайловчиларга партия фаолиятини таништиришда тарқатма материаллар, флаерлар, партия ва вилоятдан маҳаллий вакиллик органларига кўрсатилган номзодлар дастурлари, мултимедиавий воситаларда моушн-видеороликлардан фойдаланишни кенгайтириш муҳимлигини қайд этди.

Шундан сўнг Робахон Махмудова Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали мажлислар залида вилоят кенгашидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда ҳудудий Кенгашларга кўрсатилган номзодлар, олийгоҳ профессор-ўқитувчилари, талабалар, фаол ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари билан учрашди.

Учрашувни "Адолат" СДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Тохир Палванов кириш сўзи билан очиб, партиянинг Хоразм вилоят кенгаши томонидан сайлов кампанияси даврида олиб борилаётган сайловолди тарғибот-ташвиқоти, тарғибот пунктлари фаолияти, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари тўғрисида маълумот берди.

Йиғилиш давомида Сиёсий Кенгаш раиси Робахон Махмудова сўзга чиқиб, мамлакатимизнинг бугуни ва келажак ҳаёти учун ғоят муҳим сиёсий тадбир, яъни жорий йилнинг 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий вакиллик органлари сайлови олдидан хоразмликлар билан учрашаётганидан мамнунлигини билдирди. Кириш нутқи аввалида партия етакчиси айнан Хоразмда буюк “Авесто” китоби яратилгани, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Жалолиддин Мангуберди каби буюк инсонлар фаолият юритгани, Хоразм Маъмун академияси қайта тикланган, воҳа ўзининг қадимий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табиати, бетакрор қадрият ва анъаналари, санъати билан жаҳон сайёҳларини ўзига ром этиб келаётганига тўхталди.


Шундан сўнг партия етакчиси партиянинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури мазмун ва моҳияти, мақсад ва вазифалари, унда илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар бўйича сўз юритди. Бунда дастурнинг “Халқ саломатлиги – улкан бойлик, фаровон турмуш гарови” номли 5-йўналишида акс этган устувор вазифа ва режалар билан сайловчиларни таништирди.

– Биз соғлиқни сақлаш масаласига биринчи навбатдаги ижтимоий вазифа сифатида қараймиз ва ҳар бир инсоннинг малакали тиббий хизматдан фойдаланишдек конституциявий ҳуқуқи рўёбга чиқишини кафолатлаймиз. Бизнинг тиббиёт соҳасидаги биринчи галдаги вазифамиз тиббиёт ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ҳисобланади. Шу билан бирга, олис ва чекка ҳудудлардаги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда тор соҳа мутахассислари фаолиятини йўлга қўйишни таклиф қиламиз, – **деди Робахон Махмудова.**



Кенгаши депутатлигига номзод Анвар Сагиров. *– Аммо бу жабҳада айрим муаммолар ҳам борки, соҳани рақамлаштириш орқали бу муаммоларни ҳал қилиш мумкин. Партиянинг Сайловолди дастурида соғлиқни сақлаш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, хусусан, “Электрон поликлиника” ва “Ягона электрон анкета” тизимларини йўлга қўйиш ташаббуси соҳага татбиқ этилса, нафақат тиббий хизматлар сифатини оширади, балки жамиятда адолат ва шаффофликни таъминлашга ҳам хизмат қилади. Қолаверса, турли омилларга кўра, маълумотлар йўқолиши сабабли беморлардан қайта-қайта таҳлил ва текширувлар талаб қилинмайди, бу эса вақт ва молиявий ресурсларни тежайди.*

Учрашувда партиянинг “аҳолининг ўртача умр кўриш даражасини янада ошириш мақсадида 50 ёшдан ошган фуқароларни бепул тиббий кўрикдан ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат ҳисобидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва дори воситалари рўйхатини такомиллаштириш, ижтимоий дорихоналарни ривожлантириш, оғир касалликларни давлат томонидан даволашни кенгайтириш” каби таклифлари бугунги кунда соҳада кўзга ташланаётган айрим муаммоларни бартараф этишда ва халқимиз саломатлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга эканига ҳам урғу берилди.



Қайд этилганидек, мазкур йўналишда “9-14 ёш болаларни ҳар йилда бир марта давлат маблағлари ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтиш амалиётини йўлга қўйиш”, “мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида берилаётган озиқ-овқатларнинг сифатини, унинг калориясини мониторинг қилиш бўйича депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш” ҳамда “мактабларда болаларга бепул стоматология хизмати кўрсатилишини таъминлаш ва ўқувчиларни йилига икки марта стоматологик кўрикдан ўтказиш” каби таклифлар ёш авлоднинг соғлом бўлиб вояга етишини таъминлаш билан бир қаторда таълим ва тиббий хизматлар ўртасидаги интеграцияни ҳам мустаҳкамлайди.

– Мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ҳажми ва дори воситалари рўйхатини амалиётда қўллашни назарда тутадиган давлат тиббий суғуртасининг механизмлари босқичма-босқич жорий этилмоқда, **– деди халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши депутатлари Доно Алимова** *– Сўнгги пайтларда таълим ва тиббиёт соҳаларига давлатимиз томонидан эътибор анча кучайган бўлса-да, бироқ кўрсатилаётган таълим ва тиббий хизматларнинг сифатини юқори даражада, деб бўлмайди,* **– дейди Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали талабаси Азиза Холимбетова.** *– Шундан келиб чиқиб, “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастурида партиянинг кейинги 5 йилда амалга оширадиган режалари белгилаб олинибди, дея оламан. Унинг тараққиётимизга, халқимизнинг турмуш фаровонлигига хизмат қилувчи ғоялардан иборатлигига ишонаман, энг аввало, жамиятимизда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга катта эътибор қаратилганини эътироф этишни истардим. Бу борада партия ҳуқуқий давлат барпо этиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, коррупцияга қарши муросасиз курашиш каби йўналишларда қатор вазифаларни белгилаб олган. Жумладан, 30 дан ортиқ қонун хужжатларини қабул қилиш таклиф этилганлиги барчамизни бирдек қувонтирди. Ҳар бир инсон сифатли таълим, тиббиёт ва муносиб турмуш шароитига эга бўлиши керак, деб ҳисоблайман.*

Шундан сўнг сўзга чиққан иштирокчилар томонидан “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастурида партиянинг кейинги 5 йилда амалга оширадиган режалари муносиб белгилаб олингани, унда тараққиётимизга, халқимизнинг турмуш фаровонлигига хизмат қилувчи таклиф ҳамда ташаббусларга кенг ўрин берилгани алоҳида эътироф этилди.

Сайловолди дастурида, энг аввало, жамиятимизда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга катта эътибор қаратилгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлига номзод Мақсудбек Курбонбоев** ўз Сайловолди дастурида мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожини таъминлаш мақсадида бир қанча ташаббусларни илгари сураётганига тўхталди.

Якунда партия фаолларидан **Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали доценти, олийгоҳдаги партия бошланғич ташкилоти раиси Доно Алимова** ҳамда Оролбўйи минтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази бош шифокори, **вилоят Кенгаши депутатлигига номзод Анвар Сагиров** "Адолат" кўкрак нишони билан мукофотланди.

Робахон Махмудова мукофотни ўз эгаларига топшириш жараёнида партиянинг вилоятдаги танилувчанлигини ошириш, аъзолар сафини кенгайтириш, "Адолат" СДП лойиҳа ва дастурларини амалга оширишдаги фидойилиги ва узоқ йиллик самарали меҳнати учун уларга миннатдорлик билдирди.

Учрашувдан сўнг партия етакчиси Оролбўйи минтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бўлди. Марказ директори Анвар Сагиров ҳамроҳлигида тиббий муассасада беморларга яратилган шарт-шароитлар, фаолият турлари ва ихтисослик йўналишлари бўйича олиб борилаётган даволаш ва профилактика ишлари билан танишди.

Робахон Махмудова “Адолат” СДП янги Сайловолди дастуридаги “тиббиёт ходимлари малакасини оширишнинг марказлашган тизимини бекор қилиш ҳамда унинг ўрнига ихтисослашган марказларда ва вилоятларда малака оширишни ташкил этиш” таклифидан келиб чиққан ҳолда марказ раҳбарлари билан соҳа мутахассислари малака ошириши учун курслар, семинарлар ва конференциялар ташкил этишда ҳамкорлик истиқболларини ҳам муҳокама қилди.

Шундан сўнг Робахон Махмудова вилоятнинг Урганч туманида жойлашган "Улли ҳовли" туркман овулида бўлиб, бир пиёла чой устида маҳалла аҳли билан суҳбатлашди.

Салкам тўрт асрлик тарихни ўзида мужассамлаширган "Улли ҳовли" тарихий мажмуаси ўзбек ва туркман халқи вакиллари томонидан қурилган бўлиб, "Катта ҳовли" маъносини англатади. Вилоятнинг Урганч туманида жойлашган кўҳна манзил Хива хони томонидан Хива ва Урганч ўртасида яшаб, ҳудуддан ўтган савдо карвонларини душман босқинларидан ҳимоя қилган жасур туркманлар учун ҳарбий шаҳарча сифатида қурдирилган.

Ҳозирда девор билан ўралган қалъа икки халқ маданиятини ўрганишни истаган ҳар бир киши учун доим очиқ. Бу ерда деярли ҳар куни ўзбек ва туркман маданиятига оид адабий-мусиқий тадбирлар, концертлар ўтказилади. Айни пайтда маҳалладаги 300 та хонадонда 5 700 нафарга яқин аҳоли яшайди. Улардан 60 фоизи туркман миллатига мансуб, қолган қисми ўзбек, тожик, рус, қозоқ ва бошқа миллат вакилларидир.

Партия етакчиси маҳаллада қардош миллат вакиллари билан суҳбатлашди. Мулоқотда сўнгги йилларда ўзбек-туркман халқларининг яқин қўшничилик, ёру-дўстлик алоқалари янада мустаҳкамлангани, давлатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ, ижтимоий шериклик муносабатлари янги босқичга кўтарилгани алоҳида таъкидланди. Туркман аёллари томонидан урф-одатлари, қадриятлари ҳамда миллий таомлари ҳақида меҳмонларга маълумот берилди.

Хизмат сафари якунида Робахон Махмудова Урганч шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди номидаги ҳарбий академик лицейида бўлиб, бўлажак Ватан ҳимоячилари ва уларнинг ўқитувчи-мураббийлари билан учрашди.

Мазкур лицей 2023-2024 ўқув йилида фаолият бошлаган. 300 ўринли замонавий бинода ёшларнинг таълим-тарбия олиши учун барча шароитлар яратилган. Ўқувчиларда халқимизнинг маънавий-маърифий қадриятларига, маданияти ва урф-одатларига чуқур ҳурмат, ҳалоллик, ватанпарварлик, садоқат, фидокорлик сингари инсоний фазилатларни шакллантириш ҳамда табиий ва аниқ фанлар, хорижий тиллар ва замонавий ахборот технологиялари бўйича мустаҳкам билимларни шакллантириш, шунингдек, уларга ҳарбий ишдаги бошланғич билимларни сингдириш лицейнинг асосий фаолият йўналиши ҳисобланади.

Ўқув хоналари энг сўнгги русумдаги мультимедиа ва коммуникация воситалари билан жиҳозланган. Лицей ахборот-ресурс марказида 7 мингдан ортиқ ўқув ва бадиий китоблар, 11 мингдан ортиқ электрон адабиётлар бор. Бу ердаги ахборот-ресурс маркази вилоят олий таълим муассасалари ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тармоғига уланган. Учрашувда Робахон Махмудова лицей ўқитувчилари, бўлажак Ватан ҳимоячиларига "Адолат" СДП фаолияти, жорий сайловларда муваффақиятли иштирок этиш учун олиб борилаётган тарғибот ишлари хусусида маълумот берди. Шунингдек, партиянинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурига "ОТМларда ҳарбий кафедралар ташкил этиш" таклифи акс этганини қайд этиб ўтди.

– Мазкур таклифимиз умумий мудофаа тизимини кучайтириш ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган кенг қамровли ташаббусдир. Хусусий ОТМлар ҳам бу жараёнда иштирок этиши муҳим, чунки ҳар қандай касб вакили – у педагог бўладими, архитектор ёки санъат соҳаси мутахассиси бўладими – мамлакат ҳавфсизлиги масаласида билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак ва шарт, **– деди Сиёсий Кенгаш раиси Робахон Махмудова.**

Умуман олганда, партия етакчисининг бу каби учрашувлари жамият учун аниқ ва амалий чора-тадбирларни ўз ичига олган Сайловолди дастури тўғрисида кенгроқ маълумот бериш ва унинг самарадорлигини кўрсатиш мақсадида изчил давом эттириляпти. Уларда сайловчилар томонидан билдирилган таклиф ва ташаббуслар, тиббиёт ва таълим соҳаларидаги ислоҳотлар, ёшлар ва аёллар учун янгича имкониятлар яратиш, мамлакатни тараққий эттириш учун жамиятнинг ҳар бир аъзосининг фаол иштирокини таъминлаш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хоразм вилоят кенгаши матбуот хизмати



ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ

Жамиятда Конституция ва қонун устуворлиги таъминланганлиги, шунингдек, фаолияти шахс, жамият ва давлат манфаатларини ишончли ва адолатли ҳимоя қилишга йўналтирилган одил судловнинг мавжудлиги **ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси** ҳисобланади.

Дилмурод ИСМАИЛОВ, Нодира РАШИДОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар

Шу боис, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Конституция ва қонунлар устуворлиги таъминланган ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояланган ҳуқуқий давлат қуришни **бош мақсади сифатида** эътироф этади. Бу борада, энг аввало, жамиятда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, адолатли ва мустақил суд тизимини яратиш орқали фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлашни асосий вазифа сифатида қайд этади.

Шу жиҳатдан, партия инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари давлат ва жамиятнинг энг юксак қадриятлари эканлигини тан олиб, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида келгуси беш йиллик фаолияти учун **стратегик ҳужжат вазифасини ўтайдиган** ўз Сайловолди дастурида муҳим ғоя ва ташаббусларни, уларни самарали амалга оширишга қаратилган қатор вазифаларни таклиф этмоқда.



ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

Таъкидлаш керакки, партиямиз қонунларни ижро этиш жараёнида уларга нисбатан ҳар қандай формал муносабатда бўлиш ва бунинг натижасида адолатга путур етказиш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этишни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгилайди. Қонунларни самарали ижро этиш ва адолатни таъминлаш эса ҳуқуқий-демократик давлатнинг зарурий шарти ҳисобланган адолатли, мустақил одил судлов фаолиятига бориб тақалади.

Шундан келиб чиқиб, партия ҳуқуқий давлат барпо этишда, энг аввало, адолатли ва мустақил суд тизимини яратишни мақсад қилган. Бу борадаги энг муҳим ташаббусларимиздан бири **судьялар сонини кўпайтириш ва уларнинг ихтисослашувини кенгайтириш** ҳисобланади.

Бугунги кунда айрим ҳолларда судьянинг ўртача иш ҳажми бир неча юзлаб суд ишлари ва материалларни ташкил этмоқда. Бу эса ўз навбатида **судлар томонидан ишларни кўриш муддатига ва сифатига салбий таъсир** ўтказмоқда.

Статистик рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, **2023 йил** давомида **жиноят ишлари** бўйича биринчи инстанция судида **58 418 та жиноят иши, 600 966 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш** кўриб чиқилган. Шунингдек, **фуқаролик ишлари** бўйича судлар **943 892 та, иқтисодий** судлар **271 748 та** ишни кўриб чиққан.

Бунинг натижасида жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судининг **бир судья**си **бир ой**да ўртача **200 га** яқин ишни, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судининг судьяси **300 га яқин,** туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судининг судьяси эса **200 га** яқин ишни кўриб чиқишига тўғри келмоқда.

Хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, **бир судья бир ой**да **АҚШ**да **ўртача 40** та, **Канада**да **50** та, **Япония**да **10** та, **Германия**да 15 та ва **Буюк Британия**да 20 та иш кўради.

Ҳозирда шиддат билан ўзгариб бораётган замонда айрим тоифадаги ишлар борки, судьялардан мазкур ишларни ҳал қилишда нафақат чуқур юридик билимларни, балки бошқа соҳалар бўйича кўникмаларни ҳам талаб этади. Масалан, интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича судья бўлиш учун юқори малакали ҳуқуқшунос бўлишнинг ўзи камлик қилади, техника, рақамли технологиялар соҳалари бўйича ҳам билимлар керак бўлади.

Шу боис, судьялар ресурсидан оқилона фойдаланиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлар сансалорлигининг олдини олиш учун **судьяларнинг соҳалар бўйича ихтисослашувини кенгайтириш** муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда меҳнат, солиқ, молия, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқларига оид йўналишлар мураккаблигига кўра ихтисослашувни талаб этади. Агар, хорижий тажрибага қараладиган бўлса, **меҳнат** судлари **Германия, Франция**да, **интеллектуал** судлар **Япония, Жанубий Корея**да самарали фаолият кўрсатмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳозирда энг долзарб бўлган соҳалар, яъни **меҳнат, солиқ, молия, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқлари**ни ҳимоя қилиш масалалари бўйича судьялар ихтисослашувини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда биз **Ўзбекистон Экологик партиясининг** Сайловолди дастурида илгари сурилган экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ва жиноий ишларни кўриб чиқиш бўйича **ихтисослашган судларни ташкил этиш** бўйича таклифини асосли деб, ҳисобламаймиз. Чунки шундоқ ҳам мамлакатимизда мазкур соҳаданда муҳим бўлган судлар ихтисослашув йўналишлари мавжуд. Тўғри, атроф-муҳит ва экология энг муҳим соҳа, лекин бу дегани соҳада алоҳида судлар ихтисослашувига эҳтиёж мавжуд дегани эмас. Аввало, ихтисослашув талаб қилинадиган соҳалар бўйича **судьялар ихтисослашувидан** бошлаш керак.

Партиямиз томонидан илгари сурилаётган **ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаролик ишлари бўйича судларни ташкил этиш** муҳим аҳамиятга эга бўлиб, буни қуйидагича асослаш мумкин.

Биринчидан, айрим туманларда ташкил этилган фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар бошқа туман аҳолисига анча ноқулайликлар келтириб чиқармоқда. Мисол учун, Жиззах вилоятида ташкил этилган фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судига Мирзачўл ва Арнасой туманлари аҳолиси ҳам фуқаролик ишлари юзасидан мурожаат қилишади. Шу боис, ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, бугунги кунда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларнинг иш ҳажми жуда катта. Мисол учун, фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро суди бир йилда ўртача **10 минг**га яқин иш кўрган бўлса, ўртача **4 минг**га яқинини Бухоро тумани билан боғлиқ ишлар ташкил этса, қолган қисми эса Бухоро шаҳри билан боғлиқ фуқаролик ишларидан иборат. Ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаровий низолар сони салмоқлидир.

Шу билан бирга, партиямиз томонидан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ортиқча сарсонгарчилигининг олдини олиш мақсадида давлат органи ва улар мансабдор шахсларнинг қарори ва хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан **маъмурий судга шикоят қилишда низоларни судгача ҳал қилиш тартибини жорий қилиш,** шунингдек, **маъмурий суд ишларини юритишда дастлабки эшитув тартибини йўлга қўйиш** таклифи ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Дастлабки эшитув босқичи демократик ва мақбул институт бўлиб, унинг жорий этилиши маъмурий суд ишларини юритиш учун конструктив ечим бўла олади.

Жаҳон амалиётида **(АҚШ, Германия)** кенг қўлланилаётган дастлабки эшитувнинг самарали ва ижобий жиҳатларидан бири аризани иш юритишга қабул қилишда тарафларнинг тортишуви принципига амал қилинишига ва юқорида баён этилган шароитда судья тарафларнинг фикрларини эшитиши ва инобатга олиши, агар эътирозлар бўлса, ўз ажримида асослаб бериш имконини беради.

Шунингдек, дастлабки эшитув институти томонларга ҳам асосий суд муҳокамасига яхшироқ тайёргарлик кўриш имконини беради. Хусусан, томонлар зарур ҳужжатларни, гувоҳларни ва далилларни олдиндан тайёрлашлари мумкинлиги, иш юзасидан ўз позициясини аниқроқ ва тизимли равишда асослаш имкониятини тақдим этади.

Шу нуқтаи назардан, маъмурий суд ишларини юритишда дастлабки эшитув тартиби муайян иш бўйича муҳим далилларни эрта аниқлаш орқали ишни ҳар томонлама баҳолашга ёрдам беради. Бу эса суд қарорларининг янада асосли ва адолатли қабул қилинишига замин яратади ва ўз навбатида, фуқароларнинг суд-ҳуқуқ тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Шу билан бир қаторда, **маъмурий судга шикоят қилишда низоларни судгача ҳал қилиш** тартибини жорий қилиш ташаббуси ҳам муҳим аҳамият касб этиб, низоларни муносиб ва муқобил ҳал қилиш борасида қатор имкониятларни беради.

Аввало, юқорида қайд этилганидек, судьяларнинг иш юкламаси катталиги ишни сифатли, ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқишга салбий таъсир қилиши мумкин. Бундан ташқари, низоларни муқобил ҳал қилиш, хусусан, судгача низоларни турли механизмлар асосида ҳал қилиш тенденцияси жаҳон амалиётида ҳам, миллий қонунчилигимизда ҳам ўзининг ижобий жиҳатларини намоён этмоқда. Бу, ўз навбатида, тарафлар учун ҳам қатор енгилликларни назарда тутиб, ўзлари учун мақбул ечимларга келиш имкониятини ҳам беради.

Албатта, мазкур ташаббус фуқаролар учун ҳам бир қатор қулайликларга эга. Жумладан, судгача низони ҳал қилишда суд харажатлари ва давлат божининг мавжуд эмаслиги фуқаронинг ортиқча сарф харажат қилишининг олдини олишга, низоларни тезкорлик билан ҳал этиш асосида манфаатдор шахслар вақтларининг тежалишига имкон яратади.

Маъмурий ишларни кўриб чиқишда мазкур институтнинг жорий этилиши судлар юкламасини камайтиришга, харажатларнинг оптималлашишига, низоларни ҳал қилиш жараёнининг тезлашишига, асосли қарорлар қабул қилинишига, бир сўз билан айтганда, суд-ҳуқуқ тизимининг янада самарали фаолият юритишига хизмат қилади.

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Болалар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада вояга етмаганларга нисбатан юритилаётган одил судловнинг умумэътироф этилган халқаро стандартларини мамлакатимиз ҳаётига кенг жорий этиш, унинг ташкилий ва ҳуқуқий механизмларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, партия томонидан билдирилган **ювенал адлия тизимини йўлга қўйиш ҳамда боланинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш** билан боғлиқ ташаббуслар мазкур масалалар ечимига қаратилган илғор ташаббуслардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда мазкур ювенал адлия тизими **60 дан** ортиқ хорижий давлатларда кенг қўлланилмоқда. Масалан, **Францияда** ювенал адлия тизими вояга етмаганлар ишлари бўйича суд инстанцияси сифатида жорий қилинган бўлиб, ўз навбатида ушбу инстанция мазкур соҳада мутлақ ваколатларга эга бўлган махсус органлар ҳисобланади.

Японияда ювенал адлия органи сифатида оилавий судларнинг фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар вояга етмаганларга нисбатан юритиладиган барча ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга. **Польшада** ҳам оилавий судлар фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг асосий вазифаси оила ва болани ҳимоя қилиш ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳамда бевосита уларнинг тарбияси билан шуғулланиш ҳисобланади.

Партия мамлакатимизда ювенал адлия тизимини йўлга қўйиш учун ушбу соҳада тизимли ишлар амалга оширилиши керак, деб ҳисоблайди. Бу борада, соҳани тубдан ислоҳ ва самарали йўлга қўйиш учун болаларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятини янада такомиллаштириш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш таклиф этилади.

Умуман олганда, мазкур тизимни жорий этиш мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу борада одил судлов механизмларини кенг жорий этиш имкониятларини янада кенгайтиради.

ЙЎЛЛАРДА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАС ВАЗИФА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида кўплаб чора-тадбирлар кўрилишига қарамасдан, айрим ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ қоидабузарликлар содир этилиши давом этмоқда. Бу эса ҳар йили мамлакат йўлларида одамлар, жумладан, болалар ўлимига сабаб бўлмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда йўл-транспорт ҳодисаси туфайли ҳар **24 сонияда** бир нафар, ҳар куни **3,5 минг** одам ҳалок бўлади. Бир йилда **1,3 миллиондан ортиқ** инсон йўлдаги бахтсиз ҳодисалар туфайли вафот этади. Уларнинг асосий қисмини **5 ёшдан 29 ёшгача бўлганлар** ташкил этади.

Ўзбекистонда ҳар бешта ўлимнинг биттаси йўл-транспорт ҳодисалари ҳиссасига тўғри келади. Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ иқтисодий харажатлар Ўзбекистон йиллик ялпи ички маҳсулотининг **2,8 фоизини** ташкил этади.

Маълумотларга кўра, республика ҳудудида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларида – 2020 йилда 1962 нафар фуқаро ҳалок бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилда 2282 нафарга етган.

Бу каби ҳолатларнинг кескин ошаётгани йўлларда ҳаракатланиш бўйича қабул қилинган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, маъмурий ва жиноий жавобгарлик чораларини кескин кучайтириш зарур эканлигини кўрсатмоқда.

Тўғри, жазодан мақсад, биринчи навбатда, тарбия ва турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш ҳисобланади. Шу билан бирга, фақатгина жарима миқдорини ошириш ҳам йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз амал қилиш борасида кутилган натижаларни бермайди.

Шу боис, бу борада аниқ механизмларни, хусусан, таъсирли жазо чораларини кучайтириш заруратидан келиб чиқиб, партия ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини мунтазам бузганлик учун қонун ҳужжатларида **жазо чораларини кучайтириш,** шу жумладан, транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган ёки оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолатларда **умрбод ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш** ташаббусини илгари сурмоқда.



Бу борада дунё тажрибасига назар солсак, **Финляндияда** тезликни оширганлик учун 200 минг доллар миқдорида маъмурий жарима қўлланилади. **АҚШ**да ҳар бир штатда тезликни оширганлик учун алоҳида қонунлар мавжуд бўлиб, балли тизим ҳолатида кўп бора маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилса, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилади. **Буюк Британия**да ҳайдовчи тезлигини оширганида, **3 баллдан 6 баллгача** баҳоланади. Миқдор ошиб кетса, судга чақирилади.

Айрим давлатларда маст ҳайдовчиларга дарҳол жиноий жавобгарлик қўлланилади. Мисол учун **Россия**да маст ҳолда транспорт воситасини бошқарганлик учун 2 йилгача ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан жазоланади. **Буюк Британия**да рулга маст ҳолда ўтирган ҳайдовчи илк қоидабузарлик учун 6 ой қамоқ жазосига ҳукм қилинади, у шунингдек, 5 минг фунт-стерлинг жарима тўлаб, ҳайдовчилик ҳуқуқидан 3 йилгача маҳрум этилади. **Германия**да ҳайдовчининг қонида аниқланган алкогол 1,1 промилледан юқори бўлса, ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилади ёки 5 йилга озодликдан маҳрум этилади.

Шу билан бирга, “Адолат” СДП томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини кўп бузган транспорт воситаси эгасининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида суғурта қилиш суммасини шунга мутаносиб равишда оширишни таклиф этмоқда.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, бу борада ўзига хос тизим мавжуд. Масалан, АҚШда агар ҳайдовчининг жарима баллари бўлса — бу суғурта компанияларига кўринади, унинг суғурта полиси қимматлашади. Нью-Йорк штатида 2 балл (140 доллар) жарима учун суғурта полиси ҳақи ойига 15 доллар қимматлайди. Жарима баллари йилига 2 тага «куяди», агар бу орада янги қоидабузарлик қайд этилмаган бўлса! Яъни қоидабузар 140 доллар жаримадан ташқари, бир йилда 180 доллар қўшимча суғурта бадали ҳам тўлайди.

Мамлакатимизда эса суғурта мавжуд эмаслиги учун машинани жарима майдончасига киритиб қўйиш тартиби мавжуд эмас. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишда эса унинг ашаддий қоидабузарлиги инобатга олинмайди. Шу боис, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини кўп бузган транспорт воситаси эгасининг жавобгарлигини суғурта қилиш суммасини шунга мутаносиб равишда ошириш муҳим аҳамиятга эга.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ – УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

Партия коррупция жамият тараққиёти, иқтисодиёти ҳамда халқ фаровонлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини назарда тутган ҳолда, коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим таклифларни илгари сурмоқда.

Хусусан, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мақомини кенгайтириш ва уни коррупцияга қарши ягона** давлат сиёсатини юритувчи органга айлантириш каби таклифлари шулар жумласидан.

Шу ўринда айтишимиз жоизки, назаримизда, **нодавлат нотижорат ташкилотларини коррупцияга қарши курашиш жараёнларига жалб этиш**нинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича **Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси**нинг таклифи мазкур муаммони ҳал қилишнинг самарали ечими эмас.

Таъкидлаш лозимки, фақатгина махсус ваколатлар ва уларни амалга ошириш учун тегишли ташкилий-ҳуқуқий дастакларга эга бўлган давлат органигина коррупцияга қарши самарали курашиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, биз **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мақомини кенгайтириш** ва уни коррупцияга қарши ягона давлат сиёсатини юритувчи органга айлантириш таклифини илгари сураяпмиз.

Партиямиз илғор хорижий давлатлар тажрибаси асосида коррупция фактларини **“дастлабки ўрганиш” (коррупцион суриштирув)** институтини жорий этишни мақсад қилган. Шу ўринда савол туғилади. Хўш, коррупция фактларини **“дастлабки ўрганиш” (коррупцион суриштирув)** механизми қандай ишлайди, унинг аҳамияти нимада?

Коррупцион суриштирув коррупция ҳолатларини текшириш ва уларни тасдиқлаш ёки рад етиш учун маълумот тўплашдан иборат бўлган, тегишли субъектлар томонидан ваколат доирасида ҳолатни дастлабки ўрганиш орқали амалга ошириладиган, коррупциянинг барвақт олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳисобланади. Бошқача айтганда, коррупцион суриштирув ҳолат юз беришидан олдин текшириш-ўрганиш асосида олиб бориладиган превентив чора саналади.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларда жазолаш ёки оқибатлари билан курашиш эмас, **олдини олиш ва барвақт аниқлашга** қаратилган превентив чораларни қўллашга катта аҳамият берилмоқда.

Шу билан бирга, **коррупцион суриштирув** институтининг самарали амал қилишини таъминлаш, ўз навбатида, ҳуқуқий ислоҳотларни давом эттиришни ҳам талаб этади. Хусусан, дастлабки ўрганиш, коррупцион суриштирувни амалга оширадиган **субъектлар тоифасини** белгилаш, уларнинг **ваколат ва вазифалари,** ҳуқуқ ва мажбуриятлари **чегарасини аниқ белгилаш** лозим бўлади.

Шу сабабли, мамлакатимизда ҳам мазкур институтнинг ҳуқуқий тизимга киритилиши коррупцион фактларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга, давлат органлари фаолиятида шаффофликни юзага келтириб, уларнинг самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, “Адолат” социал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида илгари сурилган барча ташаббусларни ҳаётга изчил татбиқ этиш ҳуқуқ тизимини мустаҳкамлашга, фуқароларнинг ишончини оширишга ва мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун қулай шароитлар яратишга ёрдам беради.

Ишонамизки, партиямизнинг бундай эзгу мақсадлари сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланади!

Адолатли жамиятни биргаликда қурамиз!

“Адолат” партияси ва унинг номзодларига овоз беринг!





21-OKTABR– O‘zbek tili bayrami kuni bilan tabriklaymiz!

ОНА ТИЛИМИЗНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТИ

Тил ҳар бир миллатнинг улкан бойлиги, беназир қадрияти ва бебаҳо мулки ҳисобланади. Ҳар бир халқ, ҳар бир элат ўзи ҳурмат ва эҳтиром қиладиган миллий тилига эга. Тилда ана шу тилнинг ижодкори бўлган халқ тақдири, миллат ва элатларнинг тарихи ва маданияти акс этади. Айни замонда, тил ижтимоий тараққиётда улуғвор аҳамият касб этади. Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда, **“Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурғон ойнайи ҳаёти тили ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”.**

Санжарбек ДАВЛЕТОВ,
Маъмун университети профессори,
тарих фанлари доктори

Ўзбек тили – Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг мутлақ кўпчилиги бўлмиш ўзбек халқининг она тилидир. У Ўзбекистоннинг бирлиги ва яхлитлиги, жамият жипслигининг муҳим омили ҳисобланади. Ўзбек халқининг, унинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, мазкур тилнинг давлат тили мақомидек салоҳиятини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш муҳим вазифадир.

Дарҳақиқат, давлат тили – куч-қудрат ва илҳом манбаидир. 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон ҳали ўз мустақиллигини қўлга киритмай туриб, аждодларимиз узоқ йиллар орзу қилиб, интилиб ва курашиб келган *“Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”*ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакат суверенитети сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди. Айнан ушбу тарихий ҳужжатга кўра, ўзбек тили мустаҳкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди. Истиқлол йилларида ўзбек тили том маънода давлат тили мақомига эришиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек эзгу мақсадларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги қонунда акс этган муҳим ҳуқуқий қоидалар кейинчалик 1992 йилда Мустақиллик қомуси – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида қуйидагича мустаҳкамланди:

“Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”.

Шу ўринда мамлакатимизда 150 та Миллий маданий марказ иш юритаётгани, ўзбек тили билан бирга, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатаётгани, мактабларимизда таълим-тарбия жараёни 7 та тилда олиб борилаётгани дунё амалиётидаги ноёб тажриба эканини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилиши натижасида ўзбек тили мустақил давлатимизнинг Байроғи, Герби, Мадҳияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган давлатнинг муқаддас рамзига айланди.

1995 йил 22 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Ўзбек тилининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат тили сифатида амал қилишининг ҳуқуқий асослари ушбу қонун ва қонуности ҳужжатлари билан белгиланди.

Буюк алломалар, хусусан, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари буюк сиймоларни етиштирган халқ тилининг нуфузи, аҳамияти ва қадри кун сайин ошиб бормоқда. Улуғ мутафаккир шоиримиз ҳазрат Алишер Навоийнинг ўзбек халқи маънавий дунёси, тилининг шаклланиб ривож топишида хизматлари катта бўлди. У ўзбек адабий тилининг асосчисига айланди.

Ўзбек тили эндиликда сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланилиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга бўлган эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда. Ўзбек тили ривожи йўлида бугунги кунда амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳазрат Навоийнинг тил ривожидаги амалларининг мантиқий давомидир.

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрда *“Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга биноан, 21 октябрь санаси – *“Ўзбек тили байрами куни”* деб белгиланди. Ўз навбатида, 2020 йилнинг 10 апрелида Ўзбекистон Республикасининг *“Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”*ги қонуни қабул қилинди. Эндиликда ҳар йили 21 октябрь бутун мамлакатимиз бўйлаб катта байрам сифатида нишонланмоқда. Бу эса она тилимизни қай даражада ардоқлашимизни ва ҳурмат қилишимизни билдиради.

Зеро, мамлакатимизда “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши минглаб йиллик тарихий қадриятларимизнинг улуғланишини кўрсатади. Айни пайтда, ушбу сана маънавий ва маърифий, ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан ҳаётимизда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга саналади.

Бундан ташқари, ўзбек тилини янада ривожлантиришга қаратилган учта муҳим ҳужжат:

биринчидан, *2020-2030-йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси;*

иккинчидан, *2020-2030-йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2020-2022 ҳамда кейинги йилларда амалга ошириш дастури;*

учинчидан, *2020-2030-йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тасдиқланди.*

Бугунги кунда ана шу ҳужжатларда ўз аксини топган аниқ ва қамровдор вазифалар ижросини таъминлаш учун давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, тиббиёт соҳаларида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва ҳарбий муассасалар фаолиятида давлат тилида иш юритиш бўйича бошланган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ҳаёт давом этар экан, она тилимизнинг ҳаётбахш қудрати ошиб бораверади.

Алишер НАВОИЙ

Туркий тил наздида

Чунки топтим ул калом ичра камол,
Турк алфози била сурдум мақол…
Турк назмида чу мен тортиб қалам,
Айладим ул мамлакатни якқалам…

* * *

Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят;

Ким шуҳрати жаҳонга тўлгай,
Турки била даги баҳра олгай.

Чунки бу кун жаҳонда атрок
Кўптур хуш табъ, соф идрок…

Хуршид ДАВРОН

Она тилим

Келиб кетди неча дунёлар,
Кулди ҳаёт, йиглади ўлим.
Сен деб қурбон бўлди боболар,
Улар кетди, сен қолдинг, тилим.

Беланчагинг узра Кошғарий
Куйлаб ўтди қадим навони.
Ва навқирон япроқларингга
Дил қонини берди Навоий.

Самарқанддан Бобур кетаркан
Дилда бўғиб ҳасрат сасини,
Олиб кетди она юртидан,
Туркий тилим, биргина сени.

Машрабмас, сен осилдинг дорга,
Нодирамас, сенсан сўйилган
Ҳозиқнингмас, сенинг, эй тилим,
Бошинг айру, кўзинг ўйилган.

Аммо душман ўлдирган ботир
Тирилгандек яна қасосга,
Мангу борсан ва мангу қодир
Тўлдирмоққа ерни овозга.

Ватан учун бахш этиб жонни,
Кечиб олов, кириб дарёга,
Фарзандларинг тўккан ҳар қонни
Шимирдинг сен ўхшаб гиёҳга.

Она тилим, омон бўл мангу,
Сен борсан-ки мен ҳам ўлмайман,
Тилдан қолсам, сени Ойбекдай
Мен кўзларим билан сўйлайман.

BARCHA TADBIRKORLIK SUBYEKTLARI DIQQATIGA!

O‘zbekiston “Adolat” sotsial-demokratik partiyasi quyidagi mezonlar asosida targ‘ibot-tashviqot materiallarini tayyorlash va xarid qilish bo‘yicha TANLOV E’LON QILADI:

№	Targ‘ibot-tashviqot materiallarini nomi	Soni
1.	**Partiya shiorlari tushirilgan roll-aplar: 200 sm. balandlikda va 80 sm. kengligida**	**40 dona**
	Partiya shiorlari tushirilgan pavuklar: 1.80 sm. balandlikda va 80 sm. kengligida	**420 dona**

* *mazkur materiallarni tayyorlashda dizayn xizmatini o‘z ichiga olinishi shart!*

Eslatma! Jadvalda ko‘rsatilgan mahsulotlar uchun tanlov joriy yilning 23-oktyabr kuni soat 11:00 da partiyaning Markaziy apparati binosida bo‘lib o‘tadi.

Tanlovda birinchi navbatda mahsulotlarning sifati, dizayni, narxi va yetkazib berish muddati inobatga olinadi.

Tijorat takliflarida moddiy boyliklarni ishlab chiqarishning eng qisqa muddatlari ko‘rsatilishi shart. Sifati talabga mos kelmagan va sifat komissiyasi qabul qilmagan mahsulotlar uchun hamda dizayn xizmati uchun (mazkur tanlov g‘olibidan tashqari) pul to‘lanmaydi.

Tanlovda ishtirok etishni istagan tadbirkorlar tijorat takliflarini “Adolat” SDP Markaziy apparati binosida joylashgan tanlov komissiyasiga joriy yilning 22-oktabr kuni soat 18:00 gacha tanlovda ishtirok etish istagini bildirgan xat bilan tijoriy taklifni muhrlangan konvertlarda topshirilishi shart.

Moliyalashtirish manbai: byudjetdan tashqari mablag‘lar, kelgusida mablag‘larning sarflanishi bo‘yicha Hisob palatasining tekshiruvi bo‘lib o‘tishi belgilangan.

Buyurtmachi tomonidan tayyorlanadigan materiallar soni va o‘lchami o‘zgarishi mumkin!

Tanlov vaqtida quyidagi da’vogarlarning tanlov komissiyasi tomonidan takliflari ko‘rib chiqilmaydi va ishtirok etishlariga yo‘l quyilmaydi.

- qayta tashkil etish, tugatilish yoki bankrotlik bosqichida bo‘lgan;
- barcha zarur hujjatlarni belgilangan muddatda taqdim etmagan;
- ilgari tuzilgan shartnoma (bitim)lar bo‘yicha qabul qilingan majburiyatlarni zarur darajada bajarmagan;
- tanlov e’lon qilingunga qadar ta’sis etilganiga 6 oy bo‘lmagan;
- buyurtmachi bilan sud yoki hakamlik muhokamasida ishi ko‘rib chiqilayotgan.

Eslatma! Tijorat takliflari bilan birga tadbirkorlik subyektining davlat ro‘yxatiga olinganligi haqidagi litsenziya yoki guvohnomalari rahbar tomonidan tasdiqlanib, muhrlangan konvertga solingan yopiq holatda, tadbirkorlik subyektining yuridik manzili, telefon raqamlari ko‘rsatilib, “Adolat” SDP Markaziy apparatiga taqdim etilishi shart. Tijorat takliflari konvertga solinib muhrlangan yopiq holatda taqdim etilmasa litsenziya yoki guvohnomalari tadbirkorlik subyekti rahbari tomonidan tasdiqlanmasdan shuningdek, tadbirkorlik subyektining yuridik manzili, telefon raqamlari ko‘rsatilmagan holda taqdim etilgan tijorat takliflari tanlov komissiyasiga kiritilmaydi.

Muqaddam sifatsiz mahsulotlarni yetkazib bergan va shartnomada belgilangan majburiyatlarni bajarmaganligi oqibatida “Buyurtmachi”larda yomon taassurot qoldirgan tadbirkorlar tanlov komissiyasiga kiritilmaydi.

Murojaat uchun: (71) 288 42 08 (111), (93) 202 14 04, (91) 265 93 96.

ЭЪЛОН

Адолатли ташаббуслар халқ танловига айланиши зарур

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Саида Маҳмудова Ўзбекистон, Бешариқ, Фурқат туманларидаги сайловчилар билан юзма-юз мулоқотларда “Адолат” партияси ва ўз Сайловолди дастурида илгари сурилаётган ташаббусларни рўёбга чиқариш мақсадида ташвиқот тадбирларини кенг қамровда олиб бормоқда.

Номзодимиз ишлаб чиқариш тармоқлари, санатория ва хонадонларда бўлиб, сайловчиларни ўзининг режа ва мақсадлари билан таништиряпти.

– *Саида опа номзодлар орасида шижоатли эканлиги билан меҳримизни қозонди,* – **дейди Фурқат туманида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи Мухтасар Каримова.** – *Туғилажак фарзандларнинг ногиронлигининг олдини олиш мақсадида қариндошлик никоҳларини эрта аниқлаб, уларга барҳам бериш, ёш оилалар ажримининг олдини олишга қаратилган “Ёш оила” платформасини ташкил этиши борасидаги ташаббуси барчамизга манзур бўляпти. Энг муҳими, номзодимиз одамларни тинглаб, уларнинг муаммоларини адолатли ҳал қилиш чораларини топмоқда. Халқимизга шундай депутатлар керак. Албатта, ёшлар учун кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб, бизга яхши таниш бўлиб қолган “Адолат” партияси голиб бўлиши учун ўз овозимизни берамиз.*

Тарғибот тадбирлари давом этмоқда.

Фарғона вилоят кенгаши матбуот хизмати



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда эркин, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, унинг институтларини давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ҳамда аҳамиятини тубдан юксалтириш соҳасида ташкилий-ҳуқуқий асослар ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари такомиллаштирилди.

Абдужалил ТЎРАЕВ,
Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази бўлим бошлиғи

Давлат раҳбарининг “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонга имзо чекиши мазкур сиёсатнинг узвий давоми бўлиб, миллий “учинчи сектор” вакилларида жуда катта қизиқиш уйғотди.

Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг асосий институтлари ривожланишини янги босқичга олиб чиқишда мустаҳкам пойдевор ҳисобланмоқда.

Агар фармонни контент таҳлил қилсангиз, давлат ва жамият бошқарувида “учинчи сектор”нинг ўрни ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган камида 5 та муҳим жиҳат эътиборингизни тортади, жумладан:

1. КОНЦЕПТУАЛ ВАЗИФАЛАР

Энг аввало, фармонда фундаментал асосга эга бўлган 6 та концептуал вазифа белгиланган. Асосий концептуал вазифалар фуқаролик жамияти институтларининг **фаоллигини ошириш,** давлат ва жамият тараққиётида “учинчи сектор”нинг **салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш** ҳамда уларнинг **ташаббусларини қўллаб-қувватлашга** йўналтирилган.

Иккинчидан, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратининг **янги механизмларини** рўёбга чиқариш, хориждаги ватандошлар, уларнинг уюшмалари билан **ҳамкорликни мустаҳкамлашга** қаратилган.

Учинчидан, алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқаролик жамияти институтларига давлат ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва гуманитар соҳаларини ривожлантиришда кўмакдош бўлиш учун жуда катта имкониятлар очиб берилмоқда.

Хусусан, вазирлик ва идораларнинг фуқаролик жамияти институтларига **ижтимоий буюртма беришда асосий эътибор** жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коррупцияга муросасиз муҳитни шакллантириш, таълим, тиббиёт, экология, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва бошқа соҳаларнинг энг **долзарб муаммолари ечимига қаратилмоқда.**

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига **ҳар йили камида бир маротаба** соҳавий ва ҳудудий фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан **очиқ мулоқот ўтказиш вазифаси юклатилмоқда.**

Бу ўз навбатида, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг **5**-моддаси ҳамда **18**-моддаси **10**-бандларининг **янада кенг кўламда аниқ ишлашига,** фуқаролик жамияти институтлари **ихтисослашувининг кучайишига** хизмат қилади.

2. РАҚАМЛАШТИРИШ

Фармонда фуқаролик жамияти институтларининг муҳим ижтимоий аҳамиятга молик дастур ва лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жараёнларига **IT**-технологиялар ва дастурий маҳсулотларни жорий қилиш орқали соҳани рақамлаштириш – ягона электрон платформани ишга тушириш назарда тутилмоқда.

Бунда фуқаролик жамияти институтларининг муҳим аҳамиятга молик лойиҳа ва дастурларининг танловлари, уларга аризалар бериш, ижтимоий аҳамиятини аниқлаш, ғолибларни белгилаш, молиялаштириш, жорий ва якуний мониторинг каби жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш белгиланган.

Мазкур ташаббуснинг **инновацион жиҳати шундаки,** бу каби платформа Ўзбекистон тажрибасида аввал фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жараёнларига татбиқ қилинмаган.

Энг асосийси фуқаролик жамияти институтларининг дастур ва лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда инсон омили минималлаштирилади. Турли бюрократик тўсиқларга барҳам берилади.

Ижтимоий аҳамиятга молик дастур ва лойиҳаларни танлаш, амалга ошириш ва натижаларини баҳолашда (самарадорлик) шаффофлик ҳамда очиқлик таъминланади.

Шунингдек, порталнинг ишга туширилиши миллий амалиётга халқаро тажрибани имплементация қилиш ҳамда унинг жаҳон тажрибасига интеграция бўлишини янада кучайтиради.

Сабаби, бу каби рақамли платформалардан халқаро ва хорижий донорлар кенг кўламда фойдаланиб келмоқда. Масалан, Европа Иттифоқининг “Тендерлар ва молиялаштириш портали”, АҚШда “Grants.gov”, Россия Федерацияси “Президент грантлари фонди” кабиларни кўрсатиш мумкин.

3. ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР

Соҳада кўзда тутилаётган институционал ислоҳотларда умумхалқ ва ҳудудлар манфаатларини инобатга олиш механизмларини янада кучайтириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг вертикал тизимини, очиқ, шаффоф, барча тушунадиган ягона услубини яратиш мақсад қилинган.

Таҳлилга кўра, фармонда фуқаролик жамияти институтларининг давлат вакиллик органлари ва ижро органлари тизимидаги ўрни ва аҳамияти янада кучайтирилмоқда.

Энг биринчи навбатда асосий институционал ўзгаришларда қонун чиқарувчи Олий орган ҳузурида Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил қилиниши муҳим ўрин эгаллайди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Жамоат фондининг филиаллари ташкил қилинмоқда.

Фонд фаолиятини самарали бошқаришга масъул бўлган Парламент комиссиясига Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг вакиллари навбатма-навбат раислик қилиши каби янги тартиб киритилмоқда.

Мазкур тартиб Фонд фаолиятида, айниқса, маблағларни тақсимлаш, лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамиятини аниқлаш, танлаш, молиялаштириш ва ижросининг самарадорлигини юксалтиришда умумхалқ ҳамда ҳудудлар манфаатларининг инобатга олинишини таъминлайди.

Бу эса Фонднинг бошқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Институционал ўзгаришларда ЎзННТМА раисига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва унинг қўмиталари (комиссиялар) мажлисларида **нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакили** сифатида иштирок этиш **ҳуқуқининг берилиши** ҳамда **унинг асосий вазифаси белгиланиши** муҳим аҳамиятга эга.

Хориж тажрибасида бу каби комиссия алоҳида орган сифатида мавжуд бўлмаса-да, аммо бундай **механизм турли мамлакатларда қўлланилмоқда.**

Хусусан, **Францияда Палаталараро комиссияларга** навбатма-навбат раислик қилиш **Миллий Ассамблея** ва **Сенат** вакиллари ўртасида ўтказилади.

Комиссияларда қарорлар одатда консенсус ёки овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Навбатма-навбат раислик қилиш бир палатанинг ҳукмронлигининг олдини олишга ёрдам беради.

Италияда доимий ва муваққат қўшма комиссиялар мавжуд бўлиб, улар ҳар икки палата вакилларидан иборат. Ушбу комиссиялар ижтимоий ва жамоат масалаларига оид қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш, келишиш учун тузилиши мумкин. Улар консенсус асосида фаолият олиб боради, бу эса палаталар ўртасидаги позицияларни доимий равишда мувофиқлаштиради.

Мазкур тамойил ижтимоий сиёсат, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга соҳалардаги лойиҳаларни самарали кўриб чиқишга ёрдам беради.

Комиссиялар қўшимча маълумот ва таклифлар олиш учун фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва бошқа манфаатдор шахслар билан **маслаҳат учрашувларини** ташкил этиши мумкин.

Иккинчи муҳим институционал ўзгариш, маҳаллий кенгашлар ҳузурида **фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат бўлган маслаҳат гуруҳлари** фаолияти йўлга қўйилади.

Ушбу вазифа давлат бошқарувида маҳаллий кенгашларнинг ролини ошириш, жойлардаги муаммоларни ҳал этиш ва муҳим қарорларни қабул қилиш жараёнларида фуқаролик жамияти институтлари ифода этадиган аҳоли қатламлари манфаатларининг инобатга олинишини таъминлайди.

Шунингдек, бунда давлат вакиллик органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида **мулоқот майдони ҳамда ҳамкорлик кўприги** юзага келишига ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит шакллантирилмоқда.

Айниқса, ижтимоий шериклик комиссияси аъзоси бўлган сенаторлар орқали Жамоат фонди, унинг жойлардаги филиаллари ва Парламент комиссияси фаолияти самарадорлигини ошириш механизми яратилмоқда.

Учинчи муҳим институционал ўзгариш, давлат органлари, айниқса, ижро органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари раислари **фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари орасидан тасдиқланиши** белгилаб қўйилди.

Бу ўз навбатида, **“Жамият – ислоҳотлар ташаббускори”** ғояси ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакилларига бўлган **ишонч каби сиёсий ироданинг ифодаси** ҳисобланади.

Бу каби прагматик ғоя **“Давлат – бош ислоҳотчи”** деган утопиядан фарқли ўлароқ, демократик ислоҳотларнинг барча жараёнларида жамоатчилик институтларининг фаол иштирок этишини таъминлайди.

Аҳолининг фикри, хоҳиш ва истаги, орзу ва умидларини рўёбга чиқаришга, давлат ва жамиятнинг мулоқотига, ўзаро тийиб туришга восита бўлиб хизмат қилади.

Пировардида **халқ хизматидаги давлат органларининг тўлиқ шакланишида** йўлчи юлдуз бўлади.

Шунга кўра, фармонда давлат органлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига **икки ойлик муддат берилмоқда.**

Мана шу вақт оралиғида ўзларининг ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини **қайта ташкил этишлари** лозим бўлади.

Шу билан бирга, **“Юксалиш”** ҳаракатининг сўровига асосан ҳар бир давлат органи ўзининг ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятига доир маълумотларни тақдим этиб бориши вазифаси юкланган.

Бошқача айтганда, мазкур масала ижроси устидан **жамоатчилик назорати** ўрнатилмоқда.

Албатта, фармонда жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ барча вазифалар **“Жамоатчилик назорати тўғрисида”**ги қонунни такомиллаштиришни назарда тутади.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, фармонда ушбу масала ҳам тўлиқ эътиборга олинган.

4. ИҚТИСОДИЙ-МОЛИЯВИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Фармонда фуқаролик жамияти институтларига иқтисодий-молиявий, ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни шакллантириш талаб қилинмоқда.

Айниқса, давлат органларига фуқаролик жамияти институтларининг ташаббусли ижтимоий шериклик лойиҳаларини базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) **1000** бараваригача, яъни **340 млн.** сўмгача бўлган маблағларни танловларсиз молиялаштириш ҳуқуқи берилмоқда.

Бу ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтларининг **соҳавий ва тармоқ лойиҳаларини** амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Натижада, фуқаролик жамияти институтлари учун **“Давлат харидлари тўғрисида”**ги қонунда белгиланган тартиб ва қоидалардан фарқли ўлароқ **янги ҳуқуқий имконият яратилмоқда.**

Бунда ҳудудий муаммоларни ҳал қилишда давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг кучларини бирлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ижтимоий шериклик асосида жалб қилишнинг **тизимлаштирилган механизмини жорий этиш** назарда тутилмоқда.

Унга кўра, Вазирлар Маҳкамаси ҳар йили фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик соҳасида алоҳида дастур қабул қилади.

Иқтисодий-молиявий қўллаб-қувватлашда ногиронлар, фахрийлар, хотин-қизлар ва болалар ташкилотларини тузишнинг янада енгиллаштирилган тартиби жорий қилинаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Хусусан, **2025** йил **1** январдан бошлаб бу каби ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун олинадиган **давлат божи** миқдори **2** бараварга камайтирилди.

Хайрия фаолияти соҳаси ҳам муҳим ислоҳотларга тортилмоқда.

Жумладан, ҳомийлик ташкилотларининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларга ажратадиган маблағларининг солиқ солинмайдиган миқдори 15 млн. сўмдан 34 млн. сўмга ёки 2 каррага оширилди.

5. РАҒБАТЛАНТИРИШ

Халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги ва Ватан тараққиёти йўлидаги ҳар қандай эзгу меҳнат муносиб тақдирланиши шарт.

Шунга кўра, Давлат раҳбари фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг жамият олдидаги хизматларини рағбатлантиришнинг механизмларини белгилаб берди.

Бу ўз навбатида жамиятда “инсон қадри”ни улуғлаш соҳасидаги сиёсий ироданинг фуқаролик жамияти институтлари вакилларига нисбатан татбиқ этилишининг амалий ифодаси эканлигини кўрсатади.

Йил якунларида **“Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун”** кўкрак нишони билан тақдирлаш, **“Фуқаролик ташаббуси”** миллий мукофотини таъсис этиш, “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танловда **фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритиш йўналишида номинация** ташкил этиш вазифалари белгилаб берилди.

Мазкур вазифаларни бажарувчи ижрочилар, молиявий манбалар, амалга ошириш муддатлари кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари, фуқаролик жамияти институтларининг муҳим аҳамиятга молик лойиҳалари давлат грантлари ва ижтимоий буюртмалари шаклида молиявий қўллаб-қувватланганда, лойиҳа доирасида тўланадиган даромад ва ижтимоий солиқлар миқдори **3** йил муддатга **50** фоиз миқдорида камайтирилди.

Албатта, фармоннинг қабул қилиниши соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг ярми ҳисобланади, фармон билан белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ижроси таъминланганда сифат жиҳатдан янгидан-янги марралар кўзга ташланади.

Демак, ушбу фармон фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини янада кучайтириш, мазкур институтларнинг салоҳиятларидан жамият ҳаётининг турли соҳаларини ривожлантиришда унумли фойдаланиш ҳамда зарурий шарт-шароитларни яратиб бериш каби халқчил сиёсат давом этишини кўрсатмоқда.

Янги Ўзбекистонда фаолият юритаётган **10** мингга яқин **нодавлат нотижорат ташкилотлари,** яна шунча **фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, 2500** дан ортиқ **оммавий ахборот воситалари,** жамоат кенгашлари, маслаҳат гуруҳлари, жамоатчилик комиссиялари ва бошқа **шу каби минглаб турли жамоат тузилмалари** фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Бу ўз навбатида, Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган **ислоҳотлар давомийлиги, узвийлиги ва мантиқийлиги тамойилларини** сақлаган ҳолда **уларнинг орқага қайтмаслигини** яна бир бор тасдиқлайди.

Reklama huquqi asosida

ADOLAT
Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши
Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ
Таҳрир ҳайъати:
Робахон МАХМУДОВА, Қодир ЖЎРАЕВ, Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, Зуҳра ИБРАГИМОВА, Наримон УМАРОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Гавҳар АЛИМОВА, Абдукамол РАҲМОНОВ, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Собир ТУРСУНОВ
QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!
Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Навбатчи муҳаррир – Абдуқаюм Йўлдошев
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов
ISSN 2091-5217
Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 1000
Адади – 12 004
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.